



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● 1991 йил 8 июнь ● шанба ●
№ 109 (10.105). Баҳоси 10 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ
хўжалиги илмгоҳини Тошкент давлат иқтисодиёт
дорилфунунига айлантириш тўғрисида

Иқтисодиёт фанини янада ривожлантириш, олий иқтисодий таълим даражасини ошириш ва республика халқ хўжалигини мутахассис кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида:

1. Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳи Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунига айлантирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ Э. С. Самандаров) мазкур Фармонни рўйбга чиқаришга доир ташкилий тадбирларни кўзда тутиб тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри,
1991 йил 6 июнь.

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМГОҲИНИ ХАЛҚЛАР
ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ
ДОРИЛФУНУНИГА АЙЛАНТИРИШ
ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек иқтисодиёт фанини ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустақамлаш борасидаги устун вазифаларни ҳал этиш талабларига мувофиқ халқ хўжалиги учун юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашни тубдан қайта қуриш зарурати билан боғлиқдир.

Илмгоҳни дорилфунунга айлантириш кейинги йилларда мана шу йirik илмий ўқув марказида юз берган сифат ўзгаришларини, унинг илму зиё салоҳияти ва моддий-техника базаси ривожланганлигини акс эттиради. Умумий иқтисодиёт, иқтисодчи-инженерлик, ҳисобчилик ва бошқа 25 мутахассислик, шу жумладан халқаро иқтисодий муносабатлар соҳалари бўйича кенг миқёсда иқтисодчиларни тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги пайтда Самарқанд ва Қўқонда бўлимлари бўлган ташқи иқтисодий фаолият бўйича малака ошириш факультети ишлаб турибди, илмгоҳ бир қанча хорижий мамлакатлардаги илмий ўқув ва ахборот марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бундай марказлар хўжалик юритишнинг

янги қоидалари ва усуллари амалга ошира оладиган, ишбилармонлик фаолияти самарасини таъминлашга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Илмгоҳнинг илмий салоҳияти 400 дан зиёд фан номзодини, доцентларни, 43 нафар фан докторларини, профессорларни ўз ичига олган. Улар бозор иқтисодиёти, халқ хўжалиги турли тармоқларининг самарали ишлашига доир долзарб муаммолар юзасидан фойда муҳим ва амалий тадқиқотларни олиб боришмоқда. Илмий мактаблар шаклланимоқда, республикани иқтисодий ривожлантиришнинг кўпгина йўналишлари бўйича ўқитиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш бирга қўшиб олиб борилмоқда. Ўқитиш жараёнлари ва илмий фаолият компьютерлаштирилмоқда.

Илмгоҳнинг дорилфунунга айлантирилиши унинг иқтисодий таълим маркази сифатидаги аҳамиятини анча ошириш, илм-фанни ривожлантириш ва ҳозирги замон иқтисодий тафаккурини шакллантириш имконини беради. Ўқитиш яна ҳам юқори даражада олиб борилади. Кадрлар (бакалаврлар ва магистрлар) икки босқичда тайёрланиши таъминланади, иқтисодий таълим тизими учун ўқитувчилар тайёрлаш бошланди.



● ТОШКЕНТ районидagi Турғун Мирзаев номли колхоз сабзавоткорлари эртаги қарам ҳосилини қисқа кунлар ичида йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилишпти. Суратда: 2-бригада аъзолари Х. Эгамбердиев, М. Даминов, И. Мирзааҳмедов, М. Маҳмудов (бригадир), А. Азизов, А. Саидмуҳамедовлар ҳосил чўғини чамалашяпти.

Сураткаш В. ТҲРАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАР УЮШМАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

«Баҳор» концерт залидаги томоша Ўзбекистон ҳозирги замон musiқа санъати ва мушакалашунослигининг ривожига ҳақидаги жиддий суҳбатга муқаддима бўлди. Композиторлар уюшмаси ўтказётган барча пленумларда анъана ана шундай. Кичик ва катта ҳажмдаги янги асарларни ижро этиш билан ўзига хос ҳисобот берилади.

Бу галги, ҳисоб бўйича бешинчи пленумнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Пленум турли саҳналарда ўтмоқда. Бу сафар тингловчиларнинг ўзи ҳакамлар сифатида ҳам қатнашишди. Чунки концертлар Тошкентдаги бир қанча корхоналарнинг залларида ўтказилади. Улғубек номидаги маданият ва истироҳат боғида musiқа мухлислари билан ижодий учрашув бўлиб ўтади.

Пленум муносабати билан Ўзбекистон маданиятига муносиб ҳисса қўшган композиторлар — Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Ф. Содиқов, К. Жабборов, С. Калонов, К. Отаниёзов, Д. Султоновларнинг хотира кечалари бўлади.

Композиторлар уюшмасида давра суҳбатини ўтказиш режалаштирилган. 7 июнь кунини кечкурун «Баҳор» концерт залида musiқачилар Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги билан бирга композитор И. Икромов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилар.

(ЎЗТАГ).

ПИЛЛА ХИРМОНИ

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

ОРЖОНИКИДЗЕ ноҳиясидаги «Коммунист» жамоа хўжалигининг қумуш тола ижодкорлари жорий йилда 146 қути ипак қурти боқиб, давлатга 9 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бердилар.

Хўжалик аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун озуқа базасини мустақамлашга одатланишган. Мавжуд тут дарахтларининг тағлари юмшатилиб, маромида ишлов берилганлиги барглarning баравж ривожланишига замин яратди.

Ҳар бир пиллакор оилани етарли миқдорда тут барги билан таъминлаш ишига алоҳида эътибор

берилди. Пиллакорлар орасида тармоқнинг сирасорини пухта биладиганлар талайгина. У. Содиқов, М. Кенжаева, Ш. Исмоилов, С. Комилов шундай фидойилардандир. Улар ўтган йили 2—3 қутидан қурт парваришлаб, мўмайгина даромад олишганди. Бу йил ҳам ипак тола ижодкорлари ҳар қутидан 80—90 килограммдан сифатли хом ашё топширишга эришдилар.

Шу кунларда хўжалик пиллакорлари мажбурият ҳисобидан маҳсулот топширмақдалар.

Э. ТҲЛАГАНОВ,
Ф. ИСАЕВ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР,
МУАССАСАЛАР, УҚУВ ЮРТЛАРИ,
ШИРКАТЛАР, ЖАМОА ВА ШҲРО
ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ
ВА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» РЎЗНОМАСИДА ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИМИ ИШ БОШЛАДИ.

АГАР СИЗ ЎЗ МАҲСУЛОТИНГИЗНИ ХАРИДОРГИР БУЛИШНИ, УҚУВ ЮРТИНГИЗГА ҚАБУЛ ҲАҚИДАГИ БИЛДИРУВНИ, ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР УТҚАЗИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН ЕКИ ХЎЖАЛИГИНГИЗГА БИРОР НИМА СОТИБ ОЛМОҚЧИ ВА СОТМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ, ЯҚИН ҚИШИЛАРИНГИЗНИНГ ТУФИЛГАН КУНИ, «ОЛТИН» ВА «КУМУШ» ТҲЙЛАР, ЮБИЛЕЙЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАШНИ ИСТАСАНГИЗ РЎЗНОМАМИЗГА БЕМАЛОЛ МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ХИЗМАТИНГИЗГА
ДОИМ ТАЙЕРМИЗ!

Бунинг учун бизга ҳисоб-китоб рақамингиз қайси (шаҳар, район) банкда туриши ёки банк коди аниқ қилиб ёзилган корхона, муассаса, хўжалик раҳбарлари, бош ҳисобчилари имзоси бўлган кафолот хати ва эълон матнини юборсангиз бас.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32-уй. «Тошкент ҳақиқати» муҳарририяти. Телефонлар: 33-48-08, 32-53-53, 32-57-33, 32-57-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

Мафкура комиссиясида

● 5 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мафкура комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов бошқарди.

«Ижтимоий фанларни ўқишнинг қайта қуриш, талабаларда материалистик дунёқарашни шакллантиришда Фарғона политехника илмгоҳи партия комитетининг роли тўғрисида», «Жумҳурият умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ғоявий-маънавий руҳда тарбиялашнинг аҳволи тўғрисида»ги масалаларни муҳокама қилган комиссия аъзолари партия комитетлари халқ депутатлари советлари ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўқув юртли билан биргаликда ўқувчилар ҳамда талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларда юксак маънавий фазилатларни тарбиялаш юзасидан муайян ишлар қилаётганликларини таъкидладилар.

Ўқувчиларни умуминсоний маънавий қадриятлар, халқ педагогикаси, илгор халқ анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари асосида тарбиялашнинг таъминлаш мақсадида «Одобнома» фани бўйича дастур ва ўқув-методика қўлланма ишлаб чиқилди ҳамда «Ўқитувчи» нашриётига топширилди. Ана шу фандан дарс бериш борасидаги тажриба ишлари натижаларини ҳисобга олиб, жумҳуриятимизнинг зарур шарт-шароит мавжуд бўлган умумтаълим мактабларининг ҳамма синфларида 1991—1992 ўқув йилидан бошлаб янги фандан дарс беришни бошлаш назарда тутилган.

Таълим беришнинг тарбиявий жиҳатларини кучайтириш учун бир қанча дарслар ўқув дастурлари мазмунига ўзгаришлар киритилди. «Эски ўзбек ёзуви» янги дастури яратилди. Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишга ажратилган соатларни кўпайтириш ва шу каби тадбирлар мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга мактаб ўқувчиларини тарбиялаш ишларини қайта қуришга доир ёндашувлар ва тадбирлар жамиятимизда рўй бераётган жараёнлардан анча оқда қолмоқда, бу ёндашув ва тадбирлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва жамоат турмушидаги муайян ўзгаришларни ҳисобга олмай амалга оширилмоқда тарбиявий жараён чала-чулла ташкил этилмоқда, яхлитлик, изчиллик, келишиб ишлаш йўқ. Бу муаммо партия комитетлари бюроларида, пленумларида, фаолларининг йиғилишларида камдан-кам муҳокама қилинади. Одатда, мактабларда партия ташкилотлари оз сонлидир, 2400 та мактабда эса умуман партия ташкилоти йўқ.

Кўпгина ўқитувчиларнинг дарслари ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш юзасидан ўз вазифасини ҳали ҳам бажармаяпти. Ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга дуч келган, меҳнат ва жамоат интизомининг нуфузи тушиб кетганини, салбий тусдаги бошқа ҳолатларни кўрган ўқувчилар мактабдан бегоналашиб, ғоясизлик бўшлиғига тушиб қолмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисидаги

Қонунни жорий этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда, айни вақтда бу масалани ҳал этишдаги баъзи жиҳатларда шовша-шошарликка йўл қўйилмоқда. Ўқувчилар жумҳуриятимизда яшаётган бошқа халқлар тарихи ва маданияти билан яхши танишмаяптилар.

Диндорлар ўқувчилар илмий дунёқарашни шакллантиришдан, дин масалаларида ўқитувчилар жамоалари аниқ нуқта-назари йўқлигидан мохирона фойдаланмоқда. Кўпгина партия комитетлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Котибиятининг «Фарғона водийси вилоятларидаги диний муҳит ҳақида»ги қарорини бажаришга юзаси ёндошмоқдалар. Натижада мактабларда ўзлаштириш пасайиб кетди, болаларнинг бир қисми машғулотларга мунтазам қатнамаяпти. Ўқувчилар уйда диндан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлмаган сохта ўқитувчилардан таълим олишмоқда. Талабалар диндорлар билан ҳамкорлик қилиб, уларга ҳамдард бўлмоқдалар, бундай фактлар айниқса Андижон, Наманган вилоятларида тез-тез учраб турибди. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида хотиржамлик намоен бўлмоқда.

Айни вақтда мактаб ўқувчиларининг маданий эҳтижлари даражаси паст: улар театрлар, музейларга кам борадилар, тасвирий санъат, мумтоз музикага қизиқмайдилар. Ҳатто жумҳурият ҳукумати қарорига кўра ойида бир марта текис спектакль кўрсатилиши назарда тутилганига қарамай, бундай тамошаларга атиги 20—30 нафар ўқувчи бормоқда. Бадий, техникавий ижодга, ҳаваскорлик ижодининг бошқа турларига асосан бошланғич синфларнинг ўқувчилари жалб этилади. Умуман ўқувчиларнинг 12,5 фоизгина фаолиятнинг шундай турлари билан қамраб олинган. Кейинги йилларда болалар орасида кенг тарқалган фестиваллар, байрамлар ўтказилмаяпти, лекторийлар, кўргазмалар ишламай қўйди, бошқа тадбирлар ҳам бўлмаяпти.

Мактаб ўқувчиларини ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялашда йўл қўйилган бу камчиликлар, бошқа омиллар (ойладаги ноҳушлик, видеосалонларнинг таъсири, бўш вақтни уюштирилмаганлиги ва шу каби) ҳуқуқбузарликларнинг, жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Фарғона политехника илмгоҳида ижтимоий фанлар кафедраларидаги муаллимларнинг ярми базавий таълимотга эга эмас.

Партия комитети марксизм-ленинчи назариядан дарс беришда қироатхонлик ва ақидарастлиқни бартараф этиш, талабаларда материалистик дунёқарашни шакллантириш усулларини такомиллаштиришга доир амалий ишларни авж олдирмади. Бунинг натижасида талабаларнинг кўп қисмига сиёсий ғўрлик, ижтимоий-иқтисодий тараққи-

ётнинг мураккаб ва зиддиятли муаммоларини жўн қабул қилиш ва талқин этиш хос бўлиб қолди.

Ёшларда материалистик дунёқарашни шакллантиришда «Инженер» кўп тиражли рўзномасининг имкониятларидан ниҳоятда кам фойдаланилмоқда. Рўзнома мунтазам равишда, тўла ҳажмда чиқмайди, унда эълон қилинаётган мақолалар юзаси тусда бўлади.

Партия комитетининг котиби Т. Гафуров, партия комитетининг аъзоси, илмгоҳ ректори Р. Б. Бурхонов, ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, коммунистлар А. Ғ. Абдуллаев, Ғ. М. Ҳожиев, А. И. Йўлдошев, И. М. Эргашев камчиликларни тугатишда етарли даражада принципиаллик кўрсатмаяптилар ва ўзларининг ўқув-тарбия жараёнини қайта қуриш борасидаги имкониятларидан кам фойдаланяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Фарғона вилоят комитети билан шаҳар комитети мазкур олий ўқув юрти партия ташкилоти фаолиятини чуқур таҳлил этмаяпти. Улар бу илмгоҳда партия интизоми пастлигига, олий ўқув юрти турмушининг етилган долзарб масалалари муҳокама этилмаслигига мурасасозлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мафкура комиссияси муҳокама қилинган масалалар юзасидан қуйидагиларни тавсия этди:

вилоят партия комитетларининг мафкура комиссиялари халқ маорифи муассасаларида партия таъсирини кучайтириш, ўқув юртлида ғоявий-маънавий тарбияни яхшилаш, ўқувчилар ва ёшларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш борасидаги ишларни фаоллаштиришга доир зарур тадбирларни белгиласинлар. Мақтаб ўқувчилари, йигит ва қизларни диний ўқишга жалб этилиши муносабати билан юзга келаётган муаммолар теъарағида жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш учун мафкура фаолларини, жойлардаги мавжуд барча ақл-заковат имкониятларини сафарбар қилсинлар.

Вилоят, район, шаҳар партия комитетларига мактаб жамоаларига сиёсий таъсирини кучайтириш, ўқув юртлининг ўқувчилар ҳамда талабаларни ғоявий-маънавий руҳда тарбиялашда бошланғич партия ташкилотлари обрўси ҳамда мавқеини мустаҳкамлашга доир тадбирлар кўриш, ўз фаолиятида ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари, талабалар билан муттасил учрашувлар ўтказишни амалда жорий этиш, улар ҳаёти, муаммолари, вилоят, район, шаҳар ишлари ҳақида ахборот бериш, уларнинг талабаларига жавоб бериш, ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-маънавий

руҳда тарбиялашни йўналтириш ва бунга ҳар томонлама кўмаклашиш топширилди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали болалар ва ёшларни ғоявий-маънавий руҳда тарбиялаш масалалари юзасидан мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, амалий ходимларнинг мунтазам чиқишларини уюштириш топширилди.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коммунист раҳбарлари жумҳурият умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлири учун янги ўқув дастурлари, ўқув ва методик қўлланмалар ишлаб чиқишда материалистик дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган материаллар ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор берсинлар. Ўзбекистон халқлари тарихи, маънавий мероси, ўзбек халқи илгор урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари қандай ўрганилаётганини муҳокама қилиш, уларнинг ҳар томонлама тарғиб этилишига кўмаклашиш керак.

Ўқитувчига новатор тарбиячилар тажрибаси юзасидан маълумотлар мажмуни тўплашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқувчи ёшларни тарбиялашнинг қайта қуриш юзасидан мунтазам ишлайдиган семинар ташкил этилсин. Миллий мактаб концепциясини амалга оширишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш тезлаштирилсин ва жумҳурият мактабларида таълим тарбия тажрибаларини ўтказиш назорат қилинсин. Ўқувчиларни ғоявий-маънавий руҳда тарбиялаш борасида орттирилган ижобий тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришга кўмаклашилсин.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети, Маданият, Халқ таълими вазирликларининг раҳбар коммунистлари болалар музейлари махсус адабиётлари: буклетлар, йўл кўрсаткичлар, қўлланмалар ва шу каби биларни нашр этишни кўпайтирсинлар, истиқболда эса махсус болалар музейлари ва эстетика марказларини тузишни режалаштирсинлар. Педагогика ўқув юртли талабалари ва ўқитувчилари учун ўзбек ҳамда рус тилларида тарбиявий ишлар методикаси бўйича қўлланмалар чиқаришни кўпайтирсинлар.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатуви ва радиоэшиттириш давлат комитетига умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ғоявий-маънавий руҳда тарбиялаш борасидаги ишларни ёритишга бағишланган радио ва телеэшиттиришлар туркумини тайёрлаш таклиф этилсин.

Фарғона вилоят ва шаҳар партия комитетига ҳамда Фарғона политехника илмгоҳининг партия комитетига қуйидаги вазифалар топширилди:

ижтимоий фанлар муаллимлари фаолиятини талабаларда диалектик-мате-

риалистик дунёқарашни шакллантиришга қаратиш, ижтимоий фанлар бўйича олинган билимларни амалда қўллай билиш, ижтимоий жараёнларни мустақил таҳлил этиш, байналмилал ва ватанпарварлик тарбияси-га, миллатлараро мулоқот маданиятига кўпроқ эътибор бериш;

факультетларнинг партия бюролари, кафедралар партия гуруҳларининг фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий иқтисод, социализм назарияси дарслари, янги махсус дарслар ўқишни қайта қуриш, ёшларда замонавий сиёсий тафаккурни шакллантиришга доир иш мазмуни ва усулларини танқидий таҳлил этиш;

ректорат билан биргаликда ижтимоий фанлар кафедралари муаллимлари тарқибини сифат жиҳатдан янгилаш, уларнинг жумҳурият ҳамда мамлакат етакчи олий ўқув юртлирида ўз вақтида малакаларини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтишларини таъминлаш;

мафкура комиссияси, инсонпарварлик таълими кенгаши раисларининг, ижтимоий фанлар кафедралари раҳбар коммунистларининг бутун ўқув-тарбия жараёнини қайта қуриш, ҳозирги даврнинг долзарб муаммолари юзасидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларни ривожлантиришга доир ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш;

коммунист талабаларнинг ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришдаги мавқеини ошириш, партия билан комсомол алоқаларини кучайтириш, талабалар сиёсий клублари ишини яхшилаш;

«Инженер» кўп тиражли рўзномаси самарадорлигини ошириш, муҳаррирнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини вақти-вақти билан эшитиб туриш, таҳрир ҳайъатини ҳамда истиқболда эълон қилинадиган мақолалар режасини тасдиқлаш, рўзноманинг муттасил чиқишини таъминлаш, эълон қилинаётган материаллар сифатини яхшилаш.

Мафкура комиссияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг «В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент бўлими ҳақида»ги 1991 йил 12 март қарори, «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Котибиятининг «Фарғона водийси вилоятларида диний муҳит тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида» махсус ҳужжатлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мафкура бўлимига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Мафкура комиссиясининг раиси К. Ю. Юсупов бошчилигида В. И. Ленин номида Ўзбекистон халқлари тарихи ва дўстлиги музейи низоми ҳамда тузилмасини узил-кесил ишлаб чиқишга доир махсус комиссия тузиш топширилди.

ХАР КИМНИНГ қизиқиши ҳар хил. Кимдир футболга, кимдир темир-терсака, қўйингчи, бирор нарсаса қизиқмаган одамнинг ўзи йўқ. Ҳатто, энг эринчоқ одам ҳам қўли ишдан бўшади дегунча, ёнбошлаб олиб чойхўрлик қилиш билан «шугулланади».

Мен отларни яхши кўраман. Уларнинг ҳатти-ҳаракатини томоша қилишдан завқланаман. Ерни титратиб, шамолдек елиб-югуришидан чексиз ҳайратланаман. Отлар иштирок этадиган ҳар қандай мусобақани кўриб боришга ҳаркат қиламан. Шу йил 19 майда Тошкент отчопа-рида мавсумнинг очилишига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Ўша кун юзлаб одамларнинг ҳайқириги остида маррага биринчи бўлиб тим қора рангдаги қорабайир етиб келди. У ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлишдан, мусобақага тайёрлаган устоз билан учра-шишдан ўзимни тийиб тура олмадим. Чавандозлар усто-зи Рустам ака Самие-ковни қидириб топиш унча-лик қийин кечмади. Рус-там ака отлар ҳақида, ўзи-нинг фаолияти хусусида сўзлаб беришга рози бўлди.

Гап орасида отлар билан кечган узоқ йиллик ҳаёти давомида ҳали мухбир йўқ

лаб келмаганлигини айтиб ўтди.

Биринчилиكنи олган «Ул-фат» лақабли қорабайирни олиб чиқиб, ўзича эрнала-ди. Чайир бўйинларига юзини босди. Энгашиб оёқ-ларига шапатилаб уриб қўй-ди.

— Оёқларига қаранг, те-мир бўлиб кетган ўзиям,

жалигидан олиб келдик. Мен умримни отларга ба-ғишлаган одамман. Ҳозир етмиш ёшдаман. Ёлғиз юпанч, тасалли, умид шун-дан иборатки, жаҳонга дон-ғи кетган қорабайир отла-римизнинг зотлари ҳали йўқолиб кетганича йўқ. Мен кучим етганича, имкония-тим қадар Қорабайир ва

ларни бериб бўлмайди. У фақатгина юк тортади. Биз-нинг отларимизга ишқибоз-лар ҳам кўп. 1990 йилда Чирчиқ шаҳрида Осиё спорт ўйини ўтказилган эди. Қо-зогистон, Тожикистон, Аф-ғонистон ва бошқа жойлар-дан чавандозлар иштирок этдилар. Қорабайирлари-миз совринли ўринларни

тушунтириб бермаса ҳам кўриниб турибди: қўлга рў-молча олиб йиғлагулик.

— Мана, отларга беради-ган хашакларни кўринг. Очликдан дайдиб юрган эшакка берсангиз ҳам емай-ди. Шу аҳволда биз отлар-ни мусобақага тайёрлаймиз.

Чавандозлар устозининг юрагида қатлашиб ётган дард менга ҳам кўчди. Зимдан Рустам аканинг юз-кўзига, уст-бошига назар ташлай-ман. Чехрасида, кўзлари-нинг туб-тубида сўниб бо-раётган шўъланинг, айни пайтда кучсиз умид уч-қунларининг нишонаси бор эди. Кийимлари шу қадар одми, уриниб кетганки, бе-ихтиёр ўйлаб кетасан: бу бир отга меҳр қўйган фидо-йи инсон. Дилидаги орзу-ларини рўёбга чиқаришга қўли калталиб қилади. Ҳарқалай, отчопагдаги ша-роитни яхшилаш, от спор-тини ривожлантириш, уч-кур қорабайирларни кўпай-тириш учун анча-мунча маб-лағ керакдир. Даста узун, шу ишга бош-қош бўлиб тур-ганлар ва ниҳоят, биз, ҳам-мамиз нима учун жиммиз?

Ота-боболаримиз учқур қорабайирлари билан мағ-рурланганлар. Биз, улар-нинг фарзандлари, ғурури-мизни шу қадар йўқотиб қўйганмизми?

Собит МАҲАМАДУСМОНОВ.

ТИЛГА КЎЧМАГАН ДАРДЛАР

темир. 42 йилдан бери от спорти билан шугулланиб келаман. Жумҳурият, Итти-фоқ миёсида ўтказилган йирик мусобақаларда ол-динги ўринларни эгаллаган-ман. Нимасини айтмай, ав-валлари совринли ўринлар-нинг ҳаммаси бизники бў-ларди. Сабаби наслдор қо-рабайирларимиз кўп эди.

— Ҳозир-чи?

— Жуда кам қолган. Жум-ҳуриятимиз вилоятларида тоза насли қорабайирлар-ни топиб, улардан насл олишга ҳаракат қилишимиз. «Улфат»ни шаҳримиздаги боғдорчилик ва гулчилик совхозининг ёрдамчи хў-

Ахалтака зотларидан тоза насл олиб, кўпайтиришга ҳаракат қиламан. «Улфат» бир чиқиб қолди. Ҳозир у икки ёшда. Тўлиқ кучга кирганича йўқ. Ундан уми-дим катта. Ҳали мана-ман деган отларнинг нечаси-ни доғда қолдиради!

— Қорабайирнинг бошқа отлардан қандай афзаллик-лари бор?

— Қорабайир иссиққа, со-вуққа, очликка бошқа ҳар қандай отдан кўра чи-дамлироқ. Яна бир афзал томони ҳам деҳқончиликда, ҳам аскарликда иш бера-ди. Ҳар қандай юмушга мослашади. Масалан, Вла-димир отига бундай сифат-

эгаллашди. Шундан сўнг афғонистонлик ва италия-лик от спорти мутахассис-лари қорабайирларимизга ҳаридор бўлишди. Катта нарх белгиланди. Ҳарқа-лай, сотиб юборганимиз йўқ. Уларнинг ҳатти-ҳаракати-дан, отга бўлган муносаба-тидан шундай хулосага келдимки, бу жониворни биздан кўра кўпроқ қадр-лашар экан.

Рустам аканинг дардла-ри кўп экан. Лекин ҳамма-сини тўкиб солгани йўқ. Нолишни, шикоят қилишни ёмон кўраман, деди. Сира-сини айтганда Тошкент от-чопагидаги аҳвол қандай-лигини бирор киши сўзлаб,

Аҳоли орасида камқонлик кент тарқалган касалликлар-дан биридир. Бу касаллик-нинг 90—95 фоизини темир моддаси камайиши натижаси-да келиб чиқадиган камқон-лик ташкил этади.

Касаллик аҳоли саломат-лигини ёмонлаштирибгина қолмай, жумҳуриятимизнинг иқтисодий тараққиётига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир этмоқда. Айниқса бу касалликнинг болалар, ўс-мирлар ва туғиш ёшидаги аёлларимиз орасида энг кўп тарқалганлиги барчани таш-вишлантирмоқда. Шу туфай-ли касалликнинг олдини олиш ва даволаш чора-тад-бирлари учун имкониятлар яратилмоқда. Кейинги йил-ларда ҳар бир вилоят мар-казий шифохоналарида ва поликлиникаларда камқон-лиكنи даволаш ва унинг ол-дини олиш марказлари таш-кил қилинди. Бу марказлар-да касаллик тезда аниқла-ниб, дастлабки ёрдам бери-лади. Камқонлиكنи аниқлаш қийин эмас. У қанчалик тез аниқланса, шунчалик осон даволанади. Шунинг учун касаллик белгилари сезили-ши билан шифокорларга му-рожаат қилиш керак.

Инсон организмда ҳам-маси бўлиб 3—4 грамм те-мир моддаси мавжуд. У оз бўлишига қарамасдан жуда муҳим вазифани бажаради. Темир моддасининг ўртача 67 фоизи қизил қон танача-ларида (эритроцитларда) бў-либ, тўқималарга кислород ташишда иштирок этади. 27 фоизи жамғармани ташкил этади. 5,9 фоизи эса орга-низмдаги турли ҳужайралар таркибида бўлади. Ниҳоят озгина қисми (0,1 фоизи) қон

плазмасида махсус темир моддасини ташийдиган оқсил-билан бириккан ҳолда учрай-ди. Темир моддасининг орга-низмда ўзига хос алмашину-в тартиби мавжуд. Қизил қон таначалари ва организмдаги бошқа темир моддаси бор ҳужайралар ўз яшаш мудда-тини ўтагандан кейин парча-ланади ва таркибидаги те-мир организм томонидан қайтадан ўзлаштирилиб, ян-ги қизил қон таначаларини

мир моддаси кам бўлса ёки организмда темир моддаси нормадагига нисбатан (ўспи-ринларнинг ўсиш жараёнида, аёлларнинг кетма-кет ҳоми-ладорлик пайтида) кўпроқ сарфланса, организмдан тур-ли хил қон кетишлар нати-жасида темир моддаси кўп йўқотилса тенглик бузилади. Натижада организмда темир моддасининг камайиши куза-тилади. Камайиш, албатта маълум вақтгача жамғарма-

Бемор кўнгли нормал ҳолат-га зид нарсаларни (кесак, бўр, чой шамаси ва ҳоказо-ларни) талаб қила бошлайди. Ҳар хил ҳидларни (керосин, бензин ва бошқаларни) ёқти-риб қолади. Ваҳоланки бу-лар организмнинг эҳтиёжига ҳеч қандай ёрдам беролмай-ди, аксинча, салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Организмда темир модда-сининг камайиш ҳолати ва унинг натижасида келиб чи-қадиган камқонликда кўпги-на органларнинг функцияси ўзгаради. Меҳнат қобилияти пасаяди, бош оғриғи ва юрак тез-тез уриши ҳолати пайдо бўлади. Киши тез чарчайди, кайфияти бузилади, арзима-ган нарсалардан ранжиб йиғ-лайдиган ёки жаҳли чиқадиган бўлиб қолади. Организм шамоллаш ва бошқа юқумли касалликларга осонгина энги-лади. Бу ҳолат ҳомила-нинг ривожланишига ва аёлларда туғиш жараёнига салбий таъсир этади. Шу даврда туғилган болаларнинг ўсимирлик ёшларида темир моддасининг камайиши ҳола-ти ва камқонлик кўпроқ со-дир бўлади.

Юқорида таъкидланган ҳо-латларнинг олдини ўз вақти-да олса бўлади. Темир мод-дасининг етишмаслиги нати-жасида келиб чиқадиган кам-қонлиكنи тўлиқ даволаш мумкин. Касаллик олдини олиш ва даволаш маркази вилоят поликлиникаси шифо-хонасида жойлашган. Махсус шифокор-гематолог маслаҳа-ти ўз вақтида бажарилса, ал-батта хасталик энгилади, сиз ўзингизни тетик ҳис этасиз. Ҳамид ФАРМОНҚУЛОВ,

Тошкент врачлар мала-касини ошириш билим-гоҳининг ўқитувчиси.

КАМҚОНЛИККА БЕФАРҚ ҚАРАМАНГ

ва бошқа темир сақловчи ҳу-жайраларни ишлаб чиқариш-га ишлатилади. Шу билан организмга керак бўлган те-мир моддасининг 90 фоизи қопланади. Қолган 10 фоизи эса озиқ-овқатлардан орга-низмга сўрилади. Темир мод-даси гўшти оқват маҳсулот-лари таркибида кўп бўлиб, одатда ундан яхши сўрилади. Ўсимликдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларида темир моддаси камроқ бў-либ, гўшти оқватларга нис-батан ёмон сўрилади. Бунга ўлароқ бир кунда организм-дан ўртача ҳисобда умумий темирнинг 10 фоизига тенг қисми йўқолади. Бу сийдик, ахлат, терининг устки қопла-ми кўчиши, соч тўкилиши ва аёлларда ҳайз кўриш орқали содир бўлади.

Агар истеъмол қилинади-ган озиқ-овқат таркибида те-

дан тўлдирилади. Бу ҳол да-вом этаверса биринчи нав-батда темир моддаси қон плазмаси, организмдаги ҳу-жайра ва энзимлар таркиби-да камаёди. Организмдаги бу ҳолат аниқ белгиларни келтириб чиқаради. Кейин-чалик темир миқдорининг камайиши гемоглобин ишлаб чиқаришга ҳам таъсир этиб, камқонлик юзата келади.

Касалликнинг илк бошла-нишида тери қуруқлашади, тоvon ёрилади, тирноқлар юқалашиб, тез синадиган бўлиб қолади ва ҳатто улар-нинг нотўғри ўсиш ҳоллари ҳам учрайди. Сочлар сийрак-лашиб, тез тушадиган бўлиб қолади. Оғиз бўшлиғи, ошқо-зон-ичак шиллиқ қаватлари юқалашиб, иш қобилияти пасаяди ва уларнинг эллиг-ланишига сабаб бўлади. Иш-таҳа пасаяди ва бузилади.

— Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд фи-лиалидан ишга келмай қўй-гани учун бўшатилади. Бу шахслар ўз нафсониятларини қондириш ва жамоатчилик эътиборини тортиш учун оч-лик эълон қилдилар.

Очлик эълон қилувчиларга шахар активининг уларни ноқонуний эгалланган бинодан чиқариш тўғрисидаги талаб-ларини тушунтириш мақсади-да халқ депутатлари Сиеб район Кенгаши раиси ўртоқ Ф. Ҳошимов, ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳамда «Қўшқову» маҳалла қўмитаси томонидан

рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг ол-дини олиш чоралари кўрил-ди. Ана шу иш жараёнида очлик эълон қилишда қат-нашаётганлардан бири Бек-муҳамедов ўзини жуда ёмон тўтди, безорилик ҳаракат-лари қилиб, икки нафар ми-лиция ходимини ҳақоратла-ди ва уларга тан жароҳат-лари етказди.

Ушланганлардан бири Баг-дасаряннинг ёнидан «Мака-ров» тўппончаси, 17 дона ўқ ҳамда турли кишилар номига ёзилган иккита паспорт то-пилди. Ушланган бу шахс Тоғли Қорабоғда туғилган бўлиб, унинг қаерда ишлаши

ва турар жойининг тайини йўқ. Мазкур шахсининг Самар-қандга келишдан мақсади ва маҳаллий норасмий гуруҳ-лар билан алоқалари аниқ-ланмоқда. Ушланганлардан учинчиси — Ҳикматовнинг қўлга олинган «Макаров» тўппон-часига тушадиган уч дона ўқ топилди.

Милиция ходимларига қар-шилиқ кўрсатиш, хизмат ва-зифасини ўтаб турганда уларни ҳақоратлаш, ўқ оту-чи қурол ҳамда ўқларни но-қонуний равишда сақлаш фактлари юзасидан прокура-тура томонидан жиноят иши кўзатилиб, тергов олиб бо-рилмоқда.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

ЖОНКУЯР

ЖАРРОҲЛАР

Тошкент шаҳар биринчи тиббиёт олийгоҳи қошидаги 2-ва 3-жарроҳлик клини-каларида 1979 йилдан бош-лаб ёш, истеъдодли шифо-кор, тиббиёт фанлари доктори — профессор Аҳмад Ян-гиев бошчилиқ қилмоқда. Шу давр ичида клиникаларда да-волаш иши тубдан ўзгариб, операция турлари ҳам кў-пайди. Ҳозир клиникада ик-кита бўлим фаол иш кўрса-таётир. Биринчиси режали операциялар бўлими. Бунда ҳар бир бемор ҳолати атроф-лича ўрганилади. Операция-лар меъда, ингичка ва йўгон ичаклар, 12 бармоқли ичак, жигар ва ўт пуфғи, қизил-ўнғач ҳамда қон томирида ўтказилади. Иккинчиси эса тез ёрдам бўлими бўлиб, шо-пилинч операциялар бажари-лади. 3-жарроҳлик бўлими-да эса олтимиз нафар бемор бирварақайига ётиб, давола-нади.

Мазкур даргоҳда бемор-ларга иложи борича қулай шароитлар яратилапти. Хо-налари кенг, озода.

Тез ёрдам бўлимининг омилдор шифокорлари — тиббиёт фанлари номзоди Обид Обидов ҳамда Ёрашим Рустамов ҳақида беморлар-дан сўрагудек бўлсангиз фа-қатгина яхши гаплар эшита-сиз. Бизлар ҳам ўшалардан шифо топдик. Булардан таш-қари ҳар иккала бўлимда ўз хизмат вазифасини сидқидил-дан бажарётган қатор даво-ловчиларни тилга олиш жо-издир. Шифокорлар — Н. Иноятов, М. Мирсаидов, И. Рапопорт, ҳамширалардан М. Қўзибоева, Н. Жаффаро-ва, Л. Минцкая, Л. Звен-ковская, Л. Цагановалар кўпчиликка ўрнатилган бўлмоқда-лар.

Биз жарроҳлик бўлими ходимларининг барчасига ўз миннатдорчилигимизни рўз-нома орқали билдирамиз.

М. СОЛИХОВА,
М. РАСУЛОВА,
Н. СОЛИЕВА,
Жами 22 имзо.

ҚУРОЛ НИМА

УЧУН КЕРАК?

Самарқанд шаҳрининг Сиеб районидаги «Қўшқову» ма-ҳалла чойхонаси бинolari-дан бирини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган норас-мий ташкилот аъзолари — бир неча фуқаро кеча у ер-дан чиқариб юборилди. Бу гуруҳ раҳбари — 44 ёшли Уктам Бекмуҳамедов илгари раҳбарлик лавозимларида ишлаган ва охириги иш жойи

Ярим тунда Янгийул шаҳрининг Гагарин кўчасидаги 11-уйдан дахшатли фарёд эшитилди. Қишнинг изгирини аёвсиз «игна» санчишга қарамай, енгил-елли кийинган, ваҳимадан кўзлари олайиб, ранглари докадек оқарган хонадон келини Зулфия додлаганча дарвозадан отилиб чиқди, қор босган кўча бўйлаб шаҳар ички ишлар бўлими томон югуриб кетди. Унинг ҳуши жойида эмасди...

Зулфиянинг жон аччиғида қичқириши ширин уйқуда ётган қўни-қўшиларни уйғотиб юборди. Улар уйдаги гапи кўчага чиқмайдиган бу оилада нима гап бўлганлигини дафъатан англолмай қолдилар. Кейин ярим тунда тинчи бузилган хонадонга киришди. Ичкаридаги манзарадан ҳамманинг баданига титроқ турди: ўртада оила бошлиғи Барот Нетьматов қора қонига беланиб ётар, турмуш ўртоғи Халима ва ўғли Алишер яраланган елка ва юзларини чангаллаганларича ҳозиргина ёнларидан ўтиб кетган ўлим таҳдидидан ҳамон ўзларига келмаган эдилар. Оёқ-қўллари боғланган, ҳали кайфи тарқаманган қотил эса алланималарни гўлдираб, тўлғонардди. Енида қонли болта ва пичоқ совуқ ялтираб турарди.

Фожиа қандай юз берди? Ярим тунда ором олаётган хонадон аъзоларининг тинчлигини бузган ким ўзи? Унинг қўлига болта ва пичоқ қаердан тушиб қолди?

Янгийул шаҳар милицияси, сўнгроқ шаҳар прокуратураси терговчиларининг дастлабки тергов материалларида, Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси мажлисида ана шу саволларга жавоб қайтарилди. Бир хонадоннинг дилини ҳувуллатиб, оила бошлиғининг ўлимига сабаб бўлган оқ ароқнинг қора қилмишлари бўлиб чиқди. Шиша ичидаги «безор» оғу аввал 1937 йилда турилган Сайдали Мухаммедовнинг обрў-этиборини ер билан битта қилиб, ўғил-қизлари, турмуш ўртоғидан ажратди, сўнгра қўлига болта ушлатди, жиноятга етаклади.

Янгийул районининг Ниёзбош қишлоқ кенгашига қарашли Ленин номидаги жамоа хўжалигида яшаган Сайдали бир пайтлар тўрт

нафар фарзандининг отаси, консерва заводи филиалининг ўртамеёна ишчиларидан бири эди. Ичкиликка берилди, рўзгоридан барака, кўнглидан андиша, орият кетди. Дастлаб ўз уйида, сўнгра кўча-қўйда ичишни одат қилди. Бора-бора жамоат жойларида гандираклаб йиқилиб қолдиган, уйга ҳам келмайдиган хурмача қилиқлар чиқардиган бўлди.

олиб келмади, совға топширилмади. Фақат лиммолим тўлдирилган қадаҳлар айланаверди. Мастога табриклар икки шиша ароқ тамом бўлганча давом этди. Сайдали меҳмонларини кузатди, ўзини тўшакка ташлаб донг қотди. Кимсасиз, ҳувиллаган уйда хурақ овози эшитилди...

Сайдали ярим тунда чўчиб уйғонди. Боши ғувилларди. Шишиб кетган қо-

алланималар деб гўлдиради. Қўлига темир сопли болта ва пичоқни олди, Барот Нетьматовларнинг уйига йўл олди. Йўл-йўлакай Алишердан кўрган «ситам»лари, бўлиб ўтган жанжаллар ёдига тушиб, жазаваси баттар қўзиди. Қандайдир ҳаёл билан ўғли Абдурашиднинг дарвозасини тақиллатди. Лекин боянқиш ўғил отасининг доимий маст-аластлиги, Алишер билан дўстлик алоқасини уз-

чўчиб уйғонди. Енгинасидаги манзарага: қора қонига беланиб, тиширчилаётган турмуш ўртоғига, қонли болта кўтариб турган кимсага бир зум ҳуши оғиб, тиллари қалимага келмай қараб турди. Кейин воқеани англаб етди, дод солганча ваҳшийлашган Сайдалига ташланди, жароҳатларига қарамай, беихтиёр болтага ёпишди, жон аччиғида «Алишер!» деб қичқирди. Алишер югуриб чиқди. Она-бола қотил қўлидаги болтани уриб туширишди, оёқ-қўллари арқон топиб боғлашди. Умри бино бўлиб, бундай ваҳимани кўрмаган ёшгина келинчақ Зулфия бошланги, оёяланган кўчага югурди. Мудраётган борлиқ қичқиридан чўчиб уйғонди...

Судда Сайдали: «Мен Барот акани Алишер, деб ўйлабман. Алишерга шунчаки пўписа қилиб қўймоқчи эдим, ўлдириш ниятини йўқ эди», деди. Пўписа қиладиган одам кундузи келади, болта кўтариб, уйига бостириб кирмайдди. Ўлдириш нияти бўлмаганда болта, пичоқ ушламасди. Йўқ, Сайдалининг гапларига ишониб қийин. У бола-чақасининг роҳатини кўраман, невараларим даврасида яйраб юраман, деб ният қилган Барот аканинг ҳаётига зомин бўлди, яқиндагина тўй тантаналари ўтказилган хонадонни мотам гирдобига ташлади.

Вилоят суди раисининг ўринбосари С. Юсупов раислигида кўриб чиқилган мазкур жиноят иши юзасидан ҳукм чиқарилиб, Сайдали Мухаммедов 9 йил озодликдан маҳрум этилди. Ҳукм ўқиб эшитирилаётганда беихтиёр уйга толдим. Давлат қораловчиси сифатида суд мажлисида тўлиқ иштирок этиб, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва ҳолисларнинг барча кўргазма ва гувоҳликларини тош-тарозуга солиб кўрдим. Ҳукм адолатли, шикоятга ўрин йўқ.

Аммо бир инсон ҳаётдан кўз юмганлиги, иккинчиси эса умрининг кўп қисмини темир панжаралар орасида ўтказишини ўйлаб, изтиробга тушдим. Разолатга ўз тубан кетган кимсаларнинг аччиқ тақдирини ичкиликка мойил, унга муккасидан кетган бошқа кишилар учун сабоқ бўлармикин, деган ниятда ушбу дахшатли воқеани қаламга олдим.

Назрулло ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг биринчи муовини, адлия катта маслаҳатчиси.



ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН ОТАНИНГ МАСТЛИКДА ҚИЛГАН ДАХШАТЛИ ЖИНОЯТИ ХУСУСИДА

Оилада ота ичувчи бўлса уй бекаси, фарзандларни орият-номус азоблайди. Ўғли Абдурашид хотини билан бошқа ҳовлига кўчиб кетди, онаси ҳамма укаларини олиб, Термиздаги қариндошлариникига кетиб қолди.

Судда Абдурашид: «Дамнинг «ГАЗ-24» енгил автомашинасини бетонга уриб олганимдан бери жанжалдан бошимиз чиқмай қолди, — деди. — Бошқа бўлиб чиқдим. Ойим Термизга кетдилар. Дадам бизникига, биз уникига бормасдик».

Абдурашид Барот аканинг ўғли Алишер билан бирга ишларди, дўст эдилар. Лекин негидир Сайдали Мухаммедовга бу дўстлик ёқмасди.

Ёши бир жойга бориб, соқсоқли оқарган кап-катта кишининг ақли кирмаса, инсофга келмаса қийин экан. Уйда хотини, болалари йўқ, ҳаммасини ўзидан бездирган. Вақт топди дегунча ароқ ичади, кўча-қўйда тентирайди. Уша кунини негидир бугун туғилган кунини эканлиги ёдига тушди. «Юбилей»ини нишонламоқчи бўлди. Дарров улфати В. Тешаков ва ўғлидан ҳам ёш болалар дастурхон атрофига тўпландилар. «Туғилган» одамга биров гул

воқларини аранг очиб, атрофга алавланди. Шу пайт кимдир уни чақиргандек бўлди. «Ие, — ажабланди у. — Алишернинг овозига ўхшайди-ку». Кўчага чиқди. Шу аснода унинг елкасига кимдир ёғоч билан урди.

Судда Сайдали Мухаммедов, худди шундай деди. Албатта, айбланувчининг даъволарини ҳар томонлама текшириб, баҳо бериш тергов, суд органлари учун мажбурий. Бироқ, қўлимизда на суд тиббий экспертизасининг Мухаммедовнинг тан жароҳати олганлиги ҳақидаги хулосаси ва на бирор гувоҳ бўлмагандан кейин фақат қандайдир овоз бировнинг овозига ўхшаганлиги учунгина унинг қотиллигини оқлаб бўлармикин? Қолаверса, маст-аласт турмуш кечирган кимсанинг уйига ярим кечаси келиб, ёғоч билан уриб кетиш кимга ҳам зарур эди, дейсиз? Бундан ташқари, бу қилиқ шишадош ўртоқларидан чиқмаганлигига ким кафолат беради?

Хуллас, Сайдалининг кўргазмалари пойма-пой, «бири тоғдан, бири боғдан» эди.

Уша «кимдир» ёғоч билан «уриб» кетгандек туюлганда Сайдалининг кайфи тарқаманган, ақл-мулоҳаза юргизадиган аҳволда эмасди. Ўзича Алишерни бўралаб сўқди,

маётганлигини ҳадеб юзига солаверишидан безиллаб қолганди. Шунинг учун бир парча қоғозга «Алишер, мен Термизга кетаяпман, айтган нарсаларимни тўғрилаб қўй», деб ёзиб, дарвозага қистириб қўйганди. Отаси қоғоздаги сўзларни ўқийтганда Абдурашид уйда ухлаётганлиги, унинг қўлига болта ушлаб, ўртоғининг уйига кетаётганини тушига ҳам кирмаганди.

Сайдали қоғоздаги сўзларни ўқийди, баттар жаҳли чиқди. Болта ушлаган қўллари маҳкам қисилди, жаҳолат билан Нетьматовлар хонадонини мўлжаллаб, йўлга тушди...

Ойнавандли айвонда Барот ана турмуш ўртоғи Халима опа билан ширин уйқуда ётарди. Сайдали аввал бир — икки марта чақирди. Жавоб бўлмагач, айвонга яқинлашди. Деразани очди. Ҳаммаёқ жимжит. Борлиқ соғуқданми, яқинлашаётган қотилликданми, жунжикиб турарди. У деразадан охишта ичкарига кирди. Болта ғира-шира ёруғликда совуқ ялтирарди. Қотил болта сопини икки қўллаб ушлаб, Барот аканинг бўйини аралаш, сўнгра юз томонларига икки марта урди. Қон тирқираб отилди. Барот ана жон талвасасида тўлғонди, бўғиқ овозда ингради. Халима опа

нафари участка вакиллари эканлиги қувончли ҳол, деб таъкидлади.

Аммо депутатларимиз милиция ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида сира ўйламаптилар, — деди М. Иванов. — Қабул қилинган қарорларнинг ижроси билан ҳеч кимнинг иши бўлмапти. 1990 йилда милиция ходимларига нисбатан 440 марта қонунсиз ҳаракатлар содир этилганлиги, 21 нафар милиция ходими хизмат чоғида ҳалок бўлганлиги ана шу совуқ-қонлиқ, эътиборсизлик оқибатидир.

Музокараларда сўзга чиққан кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар, депутатлар фаолликларини ошириш бўйича тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашда «Депутатлар клуби»ни ташкил этиш, «Коммунист» — депутатлар кодекси»ни ҳамда «Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳақида низом»ни ишлаб чиқиш, фаол депутатларни рағбатлантириб туриш тўғрисида таклифлар маъқулланди.

Миркарим МИРСУВУРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази раҳбари, ички хизмат майори.

МИЛИЦИЯ ХОДИМИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Яқинда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий бирикмаси тарбиялаш, уни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ўринбосари, милиция подполковниги Карим Каримович Исроилов Москвадан қайтиб келди. У ватанисиз пойтахтида ўтказилган депутат — милиция ходимлари йиғилишида иштирок этди.

Биринчи марта ўтказилган бу йиғилишда жиноятчиликка қарши курашда депутат-милиция ходимларининг туғилган ўрни, вазифалари ҳақида атрофлича фикр юритилди, тавсияномалар муҳокама қилинди, ўзаро тажриба алмашилди. Шунингдек иттифоқ миқёсида ана шундай йиғилишларни йилга икки марта ўтказиб туриш яхши натижалар бериши ҳам таъкидлаб ўтилди.

Депутат — милиция ходимларининг вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган семинар-кенгашда ҳам анчагина фойдали мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди, жиноятчиликка қарши курашнинг янада самарали усулларини қўллаш

юзасидан тажрибалар ўртоқлашилди.

Тан олиш керак, илгари депутат — милиция ходимларининг милиция ҳаётида катта ўзгаришлар қилишлари мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўрилмаган эди. Лекин бугунги ҳаёт қийинчиликлари юзата қалқиб чиққан даврда ана шу имкониятдан оқилона фойдаланиш зарурати туғилди. Қолаверса, ички ишлар органларидан сайланган депутатларнинг фаолликлари ни ошириш, халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш милиция ходимлари обрўсига обрў қўшади.

Семинар-кенгашда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги, Тошкент вилоят Кенгаши депутати З. Алматов сўзга чиқиб, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ички ишлар органларидаги депутатлар қўшаётган салмоқли ҳиссалар тўғрисида гапирди. Бошқарма бошлиғи Тошкент районидagi бир қатор хўжаликларда, Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати Н. Исроилов «Чирчиқсельмаш» корхонасида, Калинин район ички

ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Н. Ҳақимов Гагарин номидаги шўро хўжалигида ўз депутатлик фаоллиятлари хусусида ҳисобот бердилар. Учрашувларда маълум бўлдики, халқ депутат-милиция ходимларининг янада фаолроқ ишлашларини кулмоқда, уларга умид боғламоқда.

Семинар-кенгашда ёшлар орасида жиноятчилик ўсиб бораётганлиги тўғрисида айнақс ташвишланиб гапирилди. Жамиятимизнинг тобора авж олиб бораётган бундай иллатларига қарши курашда милиция ходимларига жамоатчиликнинг катта мадади зарур.

Жиноят оламининг вакиллари замонавий техникалар билан қуролланиб ҳаракат қилаётган ҳозирги шароитда милиция ходимларига осон тутиб бўлмайди. Улар халқ оқолини йўлда ўз жонларини қурбон қилмоқдалар. Вилоятимизнинг ўзидагина 30 нафар милиция ходими хизмат вазифасини ўтаётган чоғида ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ милиция ходими жиноятчилар билан юз-

ма-юз курашда оғир тан жароҳати олди. Энди ўз-ўзидан савол туғилади: нима учун ҳалок бўлган, жароҳатланган милиция ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш билан фақат ички ишлар бошқармасига шугулланиш керак? Ахир, улар халқ фарзандлари, ўз халқи оқолини йўлда азиз жонларини гаровга қўймоқдалар-ку? Милиция ходимларини уй-жой, томорқа, дала ҳовлиси билан таъминлаш, ҳаётини эҳтиёжларини қондириш хусусида ким қайғуради? Бизнингча, ички ишлар органлари ходимларининг дардларини ўз депутатлари мутасадди раҳбарларга етказишлари, то бирор натижага эришмагунларича тинч-тинчмасликлар лозим.

Семинар-кенгашда. СССР Ички ишлар вазирлиги шахсий бирикмаси тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги М. Иванов сўзга чиқди. У Ўзбекистон бўйича 697 нафар милиция ходими депутатликка сайланганлиги, уларнинг 397

Figabul'etm Ba sa'at'at'm



«НИХОЛ»НИНГ ИЛК КУРТАКЛАРИ

АНГРЕНДАГИ 2-маданият уйи қошида ташкил этилган «Ниҳол» сатира театрининг ичакузди ҳангомалари, ҳажвий томошалари шаҳар аҳолисига жуда манзур бўлмоқда. Ўзининг ижодий йўлини ахтарётган бу жамоада ўндан зиёд санъат фидойилари самарали иш олиб боришмоқда. Улар ҳозирга қадар тўртта саҳна асари тайёрлаб, уларни шаҳримиздаги «Горняк» маданият саройида муваффақиятли намойиш этишди. Жумладан, Х. Ҳ. Нисийнинг «Ким тўғри?», З. Фатхуллиннинг «Бахтнинг ҳам қаноти бор», У. Ҳошимовнинг «Виждон дориси», Ш. Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар» каби асарлари асосида саҳналаштирилган комедияларни санъат ихлосмандлари мириқиб томоша қилишди.

Яқинда «Ниҳол» театри ижодкорлари «Кулинг, дўстлар, умрингиз узаяди» номли ҳажвий-кулги нечасини саҳналаштириб, ўз мухлисларига тақдим этишди. Мазкур томоша дастурдан ўрин олган турли мавзудаги танқидий ва ҳажвий асарлар томошабинларда зўр таассурот қолдирди. «Ниҳол»нинг умидли ижодкорларидан Абдуҳошим Йўлдошев, Ҳамза Бобораҳимов, Абдужаббор Сувонов, Абдужалол Абдурахмонов, Адҳам Турсунқулов, Баҳодир Норматов, Рихсиғул Муҳамедовалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, «Серго» кишлоқ клубининг «Ёшлик» дастаси хонандаси Илҳомжон Хидиров, 2-маданият уйи директори Икромжон Эркаевлар ижро этган куй ва қўшиқлар томошага алоҳида руҳ бағишлади.

— Биз шаҳримизда «Халқ театри» деб номланган доимий ишлаб турувчи ёшлар сатира театри очилиши ниятимиз бор, — дейди «Ниҳол»нинг бош режиссёри А. Йўлдошев.

Ўроғул ҲАСАН қизи.

XVII асрнинг тўртинчи чораги ва XVIII асрнинг аввалларидаги ўзбек классик шеърияти, айниқса, фалсафий-таълимий ашъор бобида чуқур из қолдирган, барҳаётлигидаёқ эл орасида «пири комил» дейилиб, юксак эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлган Суфий Оллоҳёр ўз замонасининг муҳтарамулихтиром зоти шарифларидан.

Тарихий ҳақиқатга бир назар ташлайлик: ўзбекнинг хитой-қипчоқ қабиладан бўлмиш Омадқулихон авлодидан Темурий ўғли — Суфий Оллоҳёр тахминан 1641—1642 йилларда Каттақўрғон яқинида дунёга келди. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил қўрди. Замонасининг етук зиёлиси бўлиб етишди. Даврига нисбатан адолатли ва катта зиёли бўлмиш Бухоро хони Абулфайзхон (А. Фитратнинг «Абулфайзхон» пьесаси бўлиб, «Шарқ юлдузи» ойнамасининг 1989 йил 1-сонига эълон қилинган) назарига тушди. Шу боис бир неча муддат Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қозийи калони бўлиб хизмат қилди. Лекин дарвештабиат ва шоир Муҳаммад Юсуфни давлат ва дунё ишлари қизиқтирмасди. Шунинг учун у тезда мансабдорликдан воз кечиб, дунё ишларидан этак силкиб, тасаввуф маслагини чуқур ўрганди. Ўзи ҳам катта мутасаввуф шоир сифатида танилди.

Шу ўринда бир ҳолатни қисқача изоҳлаш зарур. Масаланинг моҳияти шундаки, Шарқнинг илк исломшунос тарихчиларининг асарларида суфийлик расмий ислом ақидаларига зид таълимий тарзда вужудга кела бошлаган. Турк олими Муҳаммад Али Айнийнинг «Тасаввуф тарихи» (1911 йил, Истамбул) ёзишча, илк суфийлар Оллоҳдан ўзга ҳеч нарсани тан олмаганлар. Замонлар ўтиши билан тасаввуфда минглаб мазҳаб ва тариқатлар вужудга келган. Аммо тасаввуф ҳам башар авлоди

яратган фалсафий таълимот тариқасида унинг кўпчилик тариқатларида умуминсоний ахлоқ-одоб, меҳроқибат, камтарлик каби фазилатлар улуғланган. Одамларга хос ярамас нуқсонлар қаттиқ қораланган. Одам наслига хос бу азалий ва абадий фазилат ва нуқсонлар минг йиллар мобайнида классик адабиётимизда ўз аксини топган.

Алғараз, пир комил Суфий Оллоҳёр ижодида ҳам худди ана шундай нуқтан назардан ёндошмоғимиз даркор. Шоир форс ва туркий (ўзбек) тилларида қатор шеърий асарлар яратди. Айниқса, унинг форс тилида битилган «Мурод ул-орифин» («Ориф шахслар дастури») фалсафий-эзиди форсий тил бирла мактуб, Ақидоти фуруъи қарб маҳбуб. Ани ким кўрдилар туркий ёронлар, Дедилар: гар дуо қилса ёронлар. Битилса турки тил бирла ақида, Кўнгуллар бўлса андин оромиди. Таманно қилдилар чун бир неча ёр,

инсофи тавфиққа, инсон деган муқаддас номга сазовор бўлишга ундаган ва шу ибратли фазилатларни касб эта билиш йўриқларини баён қилган.

Дарвоқе, «Сабот ул-ожизин»нинг ҳар бир қисмига қўйилган «Имоннинг баёни», «Фаришталарнинг баёни», «Шарт уммат баёни», «Дар баёни каромати авлиё», «Қиёмат ҳақ эрур», «Тамъадин қайтмоқни баёни», «Муҳаббатсиз кишидан қочмоқ баёни» каби унвонлардан ҳам кўрнинг турибдики, Суфий Оллоҳёр асл одамийликнинг маънавий моҳияти ва фазилат сирларини раво, бадий, содда тилда баён этганки, унинг маърифий фикрлари ҳар бир мусавффо дилга бемалол йўд топа билган. Шу боисдан ҳам унинг асар-

лари яқин уч аср давомида мактаб ва мадрасаларда ахлоқ-одоб дастури сифатида истифода этиб келинган. Шоирнинг жуда кўп таълимий-фалсафий қарашлари ҳозир ҳам маърифий-тарбиявий жиҳатдан тўла сақлаб қолинганлиги, шубҳасиздир.

Суфий Оллоҳёр жуда назик ва нафис дидли улкан шоирдир. Унинг шеърлари тўлиқ вазн ва қофия тузиш маҳоратининг етуклиги билан жуда ибратлидир. Бу фикр муҳтарам муштарийлар диққат-этиборига ҳавола қилинаётган куйидаги шеърдан ҳам яққол кўзга ташланади.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

ПИРИ КОМИЛ ШОИР.

СУФИЙ ОЛЛОҲЁР (1641/42- 1724)

Қалам тортай, худо бўлсун мададкор.
...Аларни сўзларини бузмай мани зор,
Савод этдим неча манзума ночор.
Ақида сўзларини қилдим исбот,
Анга қўйдим «Сабот ул-ожизин» от.
Ўзумдек хасталар бўлғайму деб шод,
Насойихдин ҳам андек айладим ёд.
Насиҳат тингламас дилсўхта маҳбуб,
Кўкармас тошга ёмғур ёғса ҳам ҳуб.
«Дар баёни сабаби тааллиф».

Шоирнинг ана шу жажжи муқаддимасидан аёнки, у ўз китобида одамларни дили покликка, виждон ва

Улуғ бўлган ўсди зиёни. Таваккул сайфини сидқ илгина ол. Қил иччи холис андин, сўнг қилич сол. Таажжуб билма фазли бебақодин, Халос этса мунингдек аждаҳодин. Семурса нафс агар ичмак, емакдан, Юз онча эт олур яхши демакдин. Ўтарман деб ўтарда бўлмағил шод, Ўтуғ дейдур ўтуғ олғай бу жаллод. Турар ўз ҳолида бисёру камда Юрушин бузмағай ҳеч шоду ғамда. Агар нафсинг сани етмиш бошингдин, На бўлғай фойда етмиш ёшингдин. Агар нафсинг муродин изламаксан, Агар саксанга умринг етса, саксан. Агар кундин агарчи хавфи йўқсан, Агар тўқсонга кирсанг, кўнгли тўқсон.

ТАЙЕРЛОВЧИДАН: тарихий манбалардан маълумки, Суфийзм — муайян бир даврда диний оқим бўлган. «Суфи» калимасининг маъноси эса азонғуфтор демакдир. Шундан келиб чиқиб, ажодимиз исмини Суфий, нисбаларини эса Оллоҳёр деб қайд этишни лозим топдик. Ана шунда мантиқ ва ҳақиқат асосида иш кўрилган бўлади, деб ҳисоблаймиз.

НАФСИ ШУМ БАЕНИ

Кел, эй кас, бўлма акнун тобиъи нафс,
Сўлар ахшом сабо бу гардани афс.
Ҳама тоатларинг хубию софи
Яқин билгил, эрур нафсинг хилофи.
Қўяр кажликка доим нафси бад юз,
Қачон ўт туз ёнар ёлбарсанг ўттуз.
Эрур нафсинг думоғи турфа еллик
Қачон эллик қилур ёлбарсанг эллик.
Ўзинг паст айлсанг нафсинг забардаст,
Бошинг чайнаб солур чун аштария маст.
Бурунға боди кибр эсмай бурундин,
Бурундук сол анга қўймай бурундин.
Риёзат бандига беркит аёғин,
Кўтарма бошидин таъво аёғин.
Икқилиб қолмагдек бер емишини,
Зиёда айла кам-кам қаттиғ ишнини.
Қўюб андозан ҳолича юкни
Ибодат йўлига қўндур бу лўкни.
Бу меҳнат бирла ул амморан дун
На бўлғай мутманна бўлса бир кун.
Семиз кўп қилма бу тишдақ этингни,
Қутуриб ёрмағай токи бетингни.
Йилонни асрадинг неча йил они,

Суфий ОЛЛОҲЁР



ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАР-КИ...

● Бировларга панд-насиҳат қилсанг, аввало ўзинг ўшал пандга амал қил.

● Ўзи ичкилик ичса ёки чекса, ул одам ёшларга ичма, чекма, деб насиҳат қилса, ундай насиҳатнинг фойдаси йўқдир.

● Кўпчилик ичида сўзлаганда овозингни кўтарма.

● Қўни-қўшини ва дўстларингни доимо ҳурмат қил, уларнинг қадрига ет.

● Қарздор бўлсанг, тезроқ қарздан узилишга ҳаракат қил.

● Нодон кишилардан четроқ юр.

● Ўзгаларга фойдаси тегадиган ишларга ғайрат қил.

● Ҳар бир ишни бошламасдан олдин ота-онанг ва ақлли одамлар билан маслаҳат қил.

● Кўпчиликка сўзлаганда билиб, далил бирла сўзлагил.

● Устозларингнинг сенга берган таълимотини унутма.

● Бирор жойга меҳмон бўлиб борсанг, кўзингни ва тилингни тий!

● Ўзингдан катталарга ҳазил қилма.

Тўпловчи:

А. НАБИХУЖАЕВ.



ЯҚИНДА вилоятимиз мақом санъати ижодкорларининг танловы ўтказилди. Унда барча шаҳар ва ноҳияларда фаолият кўрсатаётган мақомчилар дасталари иштирок этишиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Танловда Бўёқ ноҳиясининг «Дутоҳ» мақомчилар дастаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Суратда: «Дутоҳ» мақомчилар дастаси қатнашчилари.

Сураткаш С. ПЕДУНЕНКО.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

10 ИЮНЬ

● УЗТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
18.20 Болалар учун концерт.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Замин нидоси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
20.25 Тижорат хабарлари.
20.30 Москва. «Время».
21.10 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоийни ёд этиб».
21.40 «Асрлар довоми». Хужжатли фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессияси олдидан. «Дўстлар диёрида икки кун».
23.05 «Саҳна сеҳргари». СССР

халқ артисти Тамарахоним таваллудининг 85 йиллигига бағишланган ижодий кеча.
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.05 «Ассалому алайкум» (так-роп).
19.05 «Спринт».
19.30 «Билимлар сарчашмаси».
19.55 «Дугонам билан». Концерт.
БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Жаниликлар».
21.20 «Тарих сабоқлари». Қирғизистондаги 1916 йилги кўзғолоннинг 75 йиллигига.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 10 июнь кунини МТ I кўрсатувлари соат 6.00 дан 17.00 гача УЗТВ I канали орқали намоиш этилади.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.
9.35 Янги авлод танлайди. «Юниор-банк».

11.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Тоғуқ ва тимсоҳ» (Жанубий Африка).
11.10 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
11.25 Экологик янгиликлар.
11.45 «Жонимни ол, худойим...». Бадий фильм (М. Горький номли киностудия).
13.00 Футбол шарҳи.

13.30 Давлат Марказий концерт залида «Анис» акционерлар жамиятининг таништирув-концерти.
14.30 ТСН.

14.45 «Уғил». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Экран»).
15.55 «Илья Глазунов Россияси». Телевизион хужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
16.50 Шеърят лəҳзалари.

17.00 «Шахсий компьютерлар олами».
17.15 «Бозор қонунларига биноан...». Биржалараро уюшманинг таъсис сьезидан репортаж.
17.45 «Бир йилнинг бир кунини».
18.00 ТСН.

18.20 Бевосита мулоқот.
19.20 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия («Беларусьфильм»).
20.30 «Время».
21.10 Футбол шарҳи.
21.40 М. де Фалье. Етти испанча халқ қўшиғи.
22.00 Сайловлар олдидан.
23.00 М. Плетнёв чалади (фортепьяно).

23.40 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сони.
24.00 «Қадрдон юртим». Фильм-концерт.
01.15 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.

● МТ II

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.15 А. Линдгрэн. «Кичкинтой ва томда яшайдиган Карлсон». Москва академик Сатира театрининг фильм-спектакли. 9.45 «Ямагири-Мару маҳбуслари». Мультфильм. 10.15 «Цирк чироқлари порлайди». Телеви-

зион бадий фильм (Свердловск киностудияси).

13.25 Болалар учун фильм. «Тамперелик Микки маслаҳат сўрайди» («Экран» ва «Юлейсрадио», Финляндия). 15.05 «Чойнакдаги шерча». Мультфильм. 15.15 Енгил атлетика. Халқаро мусобақалар. «Гран-при» сериясидан. «Локомотив» Марказий стадионидан кўрсатилади.

18.30 «Осиё овози». Оммабоп куй ва қўшиқлар II халқаро танлови таништирилади. 1-қисм. 19.30 «Тайганинг қанотли пахлавони». Хужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Осиё овози». 2-қисм. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.10 «Спринт». 21.35 «Молдаванка, молдаванка». М. Горький номли рус драма театрининг спектакли. 23.35 Гитара тароналари.

23.45 «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди». 00.30 Сув полеси. СССР чемпионати. Суперфинал. ХДФ МСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионинг сув ҳавзасидан кўрсатилади.

Сешанба *

11 ИЮНЬ

● УЗТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар кўса ва бой». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ғаройиб пойга». Тошкент Давлат Санъат олийгоҳи кўғирчоқ театри бўлими талабаларининг диплом спектакли.
19.00 «Бунёдкор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Телеомошабинлар ҳузурида». Андижон вилояти меҳнаткашлари билан учрашув.
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Спортлото».
21.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Имомжон Икромов.
22.00 «Ахборот».
22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР

Олий Кенгашининг V сессияси олдидан. «Дўстона алоқалар умрбоқийдир». Видеофильм.
23.35 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Имомжон Икромов (давоми).
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.05 Эстрада концерти.
18.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Зиёкор».
19.00 «Лаҳза».
19.10 «Менинг маҳаллам».
АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Туркменистон».
21.30 «Кичик саҳналар».

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.35 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
9.45 «Сизга ветеранлар...». «Ҳеч

қачон бундай кўп куйламагандим». Фильм-концерт. И. С. Козловский эслайди.
10.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.30 ТСН.

11.45 Долзарб репортаж.
12.00 «Урмон эртаклари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар.
12.30 «Халқ ижодиёти» видео-блоки.
14.30 ТСН.

14.45 «Уғил». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
15.55 «Қизиқувчилар олами».
16.10 «Вахтачилар». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Красноярск).
16.30 «Нельсон Мандела: озодлик сари осон йўл йўқ».

17.05 «Хотира». Вокал туркум. Е. Камбурова куйлайди.
17.20 «Ким аслида ким?». РСФСР Президентлигига номзадлар билан телевизион мунозара. Кўр-

сатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради.
19.20 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
20.30 «Время».

21.10 «Эфирда мусиқа». Сайланмалар.
21.50 «Россия сайлов олдидан: номзадлар нимани ваъда қилишяпти?». Телевизион хужжатли фильм премьераси. «Андроников сўзи» туркумидан.
00.05 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сони.

00.25 «50х50». Мусиқий телевизион томоша.
02.00 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 «Билимдонлар

учун машқ». 9.05 Эстрада концерти. 9.35 «Қизил гул». Мультфильм. 10.15 «Шимоллик келин». Телевизион бадий фильм («Ереван» телефильмлар студияси).

13.30 Болалар учун фильм. «Ҳаммамизнинг бузимиз» («Грузия-фильм»). 14.35 «Сизга ветеранлар...». «Солдат ёдномалари». Телевизион хужжатли фильм. 5-фильм. 15.30 Ритмик гимнастика.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 22.10 «Пичан ўрими мавсуми». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Уфа). 22.45 «Миллион эвазига ҳеч нарса йўқотмайсан». Бадий фильм (Франция).

Чоршанба *

12 ИЮНЬ

● УЗТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.10 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
9.10 Такрорий фильмлар экрани. «Кимсан, чавандоз?». Бадий фильм («Қозоқфильм»).
10.30 «Тележариди».
11.00 С. Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
12.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўзья учун уй». Мультфильм.
18.25 «Мактабимиз — фахримиз».
19.05 «Чорвадор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий кўрсатув.

20.30 Москва. «Время».
21.10 «Хотира». Мунаввар Қори Абдурашидов.
21.55 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши V сессиясида.
22.50 «Зулматни тарк этиб». Бадий фильм («Ўзбекфильм»).
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.00 «Гитара оҳанглари».
18.25 «Ҳаёт йўли». Улуғ Ватан уруши ветеран мусаввирларининг кўргазмаси.
19.00 «Пульс».
19.10 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм («Мосфильм»).
БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Жаниликлар».
21.20 «Машум хато». Бадий фильм.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.35 «Бедана нолаеси». Тўққиз

серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
9.45 «Воқеа содир бўлган жой — Лёша ўтлоғи». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри).
10.25 «Куйловчи Россия». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
11.30 ТСН.

11.45 «Куйловчи Россия». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
13.00 «Умка дўст излайди». Мультфильм.
13.10 Жаҳон халқлари ижоди.
13.40 «Мен бу қор қопланган чўлни кўряпман». Сталинград жанги тарихининг номгўлум саҳифаси ҳақида.
14.30 ТСН.

14.45 «Орзуниг ушалиши». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри ёш яхкахонлари ҳамда бош дирижёр ва бадий раҳбар А. Лазарев билан учрашув.

16.15 МТ экранда биринчи марта. «Ҳимоячи Седов». Бадий фильм («Мосфильм»).
17.00 Ахлоқ ва маданиятни қайта тиклаш ҳақида кўрсатув.
18.15 Сибирь Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.20 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
20.30 «Время».
21.10 МТ экранда биринчи марта. «Ҳамиша бирдай бўлавермайди». Бадий фильм («Мосфильм»).
22.25 «Кинопанорама».
23.55 «Оперетта, оперетта». «Севги ва ҳаёл».
00.55 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 12 июнь кунини МТ II кўрсатувлари соат 17.35 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

● МТ II

17.35 «Ариадна ипи». Телевизион хужжатли фильм (Кишинёв).
17.45 Болалар учун фильм. «Биринчи рейс». Бадий фильм («Ленфильм»).
19.00 Хужжатли фильм. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.10 «Пульс». 21.20 «Кинонигоҳ». Чет эл киноижодкорлари таништирилади.

23.10 «Биринчи муҳаббат». Бадий фильм («Мосфильм»).

Пайшанба *

13 ИЮНЬ

● УЗТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз».
8.10 «Деҳқончилик мақоми». Телефильм.
9.10 «Дарёлар оқиб ўтган ўрмонда». Бадий фильм.
10.35 «Болалар овози». Жумҳурият болалар фольклори фестивали.
12.20 СССР халқлари спартакиадаси арафасида. Самбо.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилман». Мультфильм.

18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўза парваришига — аъло сифат».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
20.20 «Эрмитажнинг ойнаванд жиллолари». Манзарали фильм.
20.30 Москва. «Время».
21.10 Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг совриндори Салоҳиддин Лутфуллаев ва Сайёра Назировалар концерти.
21.55 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши V сессиясида.

22.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўр». 3-кўрсатув.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.05 «Қувондиқ Искандаров куйлайди». Фильм-концерт.
18.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар».
19.45 «02 тўлкинида».
20.00 Мусиқий жиллолар.
20.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Бедана нолаеси». Тўққиз серияли телевизион бадий

фильм премьераси. 4-серия.
9.35 «Орон кўлида». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Иркутск).

9.55 «Кунлардан бир кунини Кусковода». Л. Яковсоннинг хореографик минитюралари.
10.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.30 ТСН.

11.45 ИИВ маълумотларига кўра...
12.00 «Ҳимоячи Седов». Бадий фильм.

12.45 «Чемпионлар билан биргаликда».
13.00 «Кинопанорама».

14.30 ТСН.
14.45 «Ув севгилингни топ». Телевизион бадий фильм («Ўзбектелефильм»).

15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 «Мусиқий хазина». К. Дебюсси, Ф. Шопен, А. Марчелло, И. С. Бах асарлари.
16.45 «Типратикан либоси». Мультфильм.

16.55 Болалар учун фильм. «Немудини созандалари» («Экран»).
18.00 ТСН.

18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.55 «Нодипломатик суҳбатлар».

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Кўрсатувда Буюк Британиянинг собиқ Бош министри Маргарет Тэтчер иштирок этади. Кўрсатувни В. С. Зорин олиб боради.

19.25 «Бедана ноласи». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.

20.30 «Время».

21.10 Ишчан чопар.

21.25 «Олам кинокамера кўзгусида». Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 50 йиллигига.

22.25 «Музыка барчага нур сочади». Кольмар шаҳрида музыка фестивали (Франция).

23.20 «Пи» белгиси билан. Та-наффус пайтида (00.20) — ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

01.05 «Ильинский Зошенко ха-

қида». Фильм-концерт («Экран»).

02.10 «Бедана ноласи». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.

● МТ II

7.30 «Бирдж». Телебизжа. 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.15 «Яна бир бор севги ҳақида». Дилрабо концерт. 8.45 «Тўполончилар». Мультифильм.

9.15 «Мандельштамга гуллар». 10.15 «Ёз мавсумидаги ҳазонрезгилик». Телевизион бадий фильм («Озарбайжонфильм»).

13.30 Болалар учун фильм. «Мен қандай билафтон бўлдим». 1-серия («Беларусьфильм»). 14.35 Ритмик гимнастика.

17.30 «Ошқора суҳбат». Полта-

вадан кўрсатилади. 18.30 «Жаҳон бозорининг калити». 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 «Кодра-лар». Хужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 СССР халқларининг X ёзги спартакиадаси. Сузиш. «Олимпийский» спорт комплексининг сув ҳавзасидан кўрсатилади. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 «Лаҳзалар...». Е. Шаврина куйлайди.

★
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.35 «Бир нафасга тўхта». Бир конкурсга сўнгги сўз.

★
22.45 «Кечиккан учрашув». Телевизион бадий фильм (Свердловск киностудияси).

Жума *

14 ИЮНЬ

● УзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десангиз». 8.10 «Дўзах ўти», «Ов ҳақида». Телефильмлар.

9.10 «Дўстлик ришталари». 9.40 «Кичик ҳикоялар». Бадий фильм («Тожикистон»). 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Хоҳ ишон, хоҳ ишонма». Мультифильм. 18.30 «Элга хизмат: талаб ва тақлиф». 19.00 «Замин саховати». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Водий тароналари». 20.30 Москва. «Время».

21.10 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий-хонлиқ».

22.00 «Ахборот».

22.20 XII қақирққ Узбекистон ССР Олий Кенгаши V сессиясида. 22.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тезюлар поезд». Бадий фильм («Мосфильм»). 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм. 18.35 «Ўтмиш ва бугун». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Қизиқарли учрашувлар». 20.10 Кичик концерт.

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время». 21.10 «Туркменистон». 21.30 «Оталар насиҳати». 21.40 ТССР халқ артисти, бахши О. Набатов куйлайди.

● МТ I

6.00 «Тонг». 8.35 «Бедана ноласи». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

9.40 «Болалар мусиқий клуби». 10.25 «Потя ва Потиха». Мультифильм. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.30 ТСН.

11.45 «Ҳамиша бирдай бўлавермайди». Бадий фильм.

13.00 «Эфирда мусиқа». Сайланмалар.

13.30 «Олам кинокамера кўзгусида». Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 50 йиллигига. 14.30 ТСН.

14.45 Болалар учун фильм. «Хайвонот боғида ёз» («Қозоқфильм»).

15.10 «Қизиқувчилар олами».

15.35 «Онам, дадам ва мен».

15.55 «Сизга ветеранлар...». «Фоллилар» кўрсатуви саҳифаларида.

17.15 Сиёсий мулоқотлар. «Мени асрдан узоқлаштирманг...». КПСС Свердлов ноҳия кўмитаси қошидаги Москва ижтимоий-

маданий марказининг очилиши ҳақида.

18.00 ТСН.

18.15 «Игорь юриши ҳақида ривоят». Мультифильм.

18.40 «Капитализм инсон қиёфасида». Телевизион очерк.

19.20 «Бедана ноласи». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

20.30 «Время».

21.10 ИИБ маълумотларига кўра...

21.25 «ВИД» таништирадиган: «Мўжизалар майдони», «Музобоз», «Дело», «Эм-ти-ви».

Кўрсатув охирида (00.25) — ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

00.40 Хориждаги рус маданияти.

01.30 «Бедана ноласи». Тўққиз серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.

● МТ II

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 Мультифильм. 8.30 «Сизга ветеранлар...». «Мангу-

лика айланган лаҳзалар». 1986 йилда ҳарбий мухбирлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳақида. 9.15 «Жонли сайёра». Ун икки серияли хужжатли фильм. 2-серия (Буюк Британия). 10.10 «Кечиккан учрашув». Телевизион бадий фильм.

13.30 Болалар учун фильм. «Мен қандай билафтон бўлдим». 2-серия.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 СССР халқлари X ёзги спартакиадаси. Сузиш. «Олимпийский» спорт комплексининг сув ҳавзасидан кўрсатилади. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 «Шахсий компьютерлар олами».

★
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.25 «Бу оқшомда».

Шанба *

15 ИЮНЬ

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Отларни қўмсаймиз». Телефильм. 9.30 «Эл ардоқлаган артист». Бадий фильм. 10.50 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз». 11.20 «Яшил чироқ». Жумҳурият ёш автоинспекторларининг слёти ҳақида. 12.05 «Алифбо сабоқлари». I босқич (такрор.). 12.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Йўл бошида». Видеоканал.

18.00 «Тош созандалар». Мультифильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 Москва. «Время».

21.10 Оқшом эртаклари. 21.25 «Рақслар гулдастаси». 21.55 Тижорат хабарлари. 22.00 «Ҳафтаномаси». 23.00 XII қақирққ Узбекистон ССР Олий Кенгаши V сессияси якунларига доир. 23.30 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров куйлайди.

00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

9.00—13.00 Тошкент кўрсатади.

18.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 «Куйнинг ажиб дамлари хам...». Концерт. 6.25 Мультифильмлар: «Олтин бошоқлар», «Кумуш кўнгиракча». 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 ТСН. 8.15 МТнинг олтин хазинасидан. А. Н. Островский, Н. Я. Соловьев. «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ». ССР Иттифоқи Дав-

лат академик Малый театрининг фильм-спектакли.

10.30 «Тонг юлдузи».

11.30 Мультифильмлар: «Ужар қиз», «Жумбоқлар кўни».

12.00 «Курганлик дўхтир». Телевизион хужжатли фильм.

12.30 «Сизга ветеранлар...».

«Йиллар, авлодлар, қўшиқлар».

13.15 «Марафон-15».

14.30 ТСН.

14.45 «Ҳамшаҳар йигит». Бадий фильм (Олмаотадаги бадий фильмлар бирлашган марказий студияси).

16.10 «Ер—она масканимиз» фототанлови.

16.15 «Таклифнома». Г. Миллар.

17.05 «Майя арисси». Кўп серияли мультифильм премьераси. 3-серия (Германия — Австрия).

17.30 «Халқаро панорама».

18.15 «Россия тароналари» телерадио танлови дипломанти «Воскресенье» халқ куйлари ансамбли ижро этади.

18.25 «Хуанита ля Лярга». Телевизион бадий фильм (Испания).

20.30 «Время».

21.10 «Бу учрашувни мен 20 йил кутдим». Б. Рубашкин. 23.00 Сибирь Давлат рақс ансамблининг концерти.

24.00 «Хуанита ля Лярга». Телевизион бадий фильм.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 «Мўжизасиз мўжизалар». 8.30 Мультифильмлар. 9.00 «Здоровье» (сурдо таржимаси билан). 9.30 «Ҳашаматли Дрезден». Дрезден галереясида XVIII аср асарлари кўргазмаси ҳақида. 10.10 «Тўполончилар». Мультифильм. 10.15 Спорт ҳамма учун. 10.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эртаклар. СССР—АҚШ терма командалари. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

★
14.00—16.00
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

16.00 П. Резель чалади (Фортельяно).

★
16.45—18.30
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

★
18.30 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 19.30 «Урмон рапсодияси». Хужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Лапарлар байрами. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 «Қирққулоқ гули». Катталар учун мультифильм.

★
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.30 «Пульс». 21.40 Тамарахоним ҳузурида. 22.05 «Тарих саҳифаларида». М. Қайюмов. Хотиралар ва мулоҳазалар.

★
22.45 «Оқшом гаштаклари». Телевизион бадий фильм («Укрте-лефильм»).

Якшанба *

16 ИЮНЬ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
КУНИ

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтаномаси» (такрор.).

9.00 «Бизга мактуб йўллабсиз». 9.30 Спорт программаси: 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Ўзбекистон спорти». 10.55 «Шеърят дафтарида». Фарида Бўтаева, Муҳаммад Раҳмон. 11.15 Араб тили (такрор.). 11.45 Ўзбекистон Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 12.15 «Митти қочоқ». Бадий фильм (СССР — Япония). 13.55 Инглиз тили. 4-машгулот. 14.25 «Дўстлик» студияси кўрсатади. Сафия Сафтарова куйлайди.

18.00 «Менинг филм бўл». Мультифильм. 18.20 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.50 «Кино жавонидан». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт ходимлари кунига бағишланади.

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.

21.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.

22.00 «Ахборот».

22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тирранча». Бадий фильм (Одесса киностудияси).

24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

9.00—13.00 Тошкент кўрсатади.

17.50 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 «Музыка тинглаб». Хужжатли фильм. 6.30 «Тонг юлдузи» (такрор.). 7.30 «С» формуласи. 8.00 Биржа янгилликлари. 8.15 «Спортлото» тиражи.

8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида».

10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви.

11.00 «Саёҳатчилар клуби».

12.30 «Мусиқий киоска».

13.00 «Веди».

13.30 МТ экранда биринчи марта. «Севгига ишонаман». Бадий фильм («Мосфильм»).

14.50 ТСН.

15.05 «Циркни ҳамма севади». Хайвон ўргатувчи Н. Кочаков. Свердловскдан кўрсатилади.

15.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Эшак» (Франция).

15.30 Тиббиёт ходимлари кунига.

«Здоровье».

16.30 Шеърят лаҳзалари.

16.40 «Қишлоқ янгилликлари».

17.40 «Уолт Дисней таништирадиган...».

18.30 Р. Шуман. «Жимжимадор нақшлар».

18.40 Ойла экран. «Қизиқчи».

Бадий фильм (М. Горький номли киностудия).

20.30 «Время».

21.10 «Нима? Қерда? Қачон?». 22.10 «Рэндо» лўлилар ансамбли ижро этади.

22.25 «Хронограф».

22.40 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эртаклар. СССР—АҚШ терма командалари. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

23.40 Лотин Америкаси бал рақслари Европа чемпионати. Ленинграддан кўрсатилади.

02.10 «Америка киноси саҳифаларида». Киноконцерт.

02.50 «Севги туфайли ҳузур-ҳаловатим йўқ». Фильм-концерт.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланган! 7.45 СССР халқларининг X ёзги спартакиадаси. Сузиш. 8.15 «Ойла» телепрограммаси. 9.15 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 11-кўрсатув. 10.15 Миллий баскетбол юшмалари профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. «Индиана Пейсерз» — «Бостон селтик». 11.15 «Зардўзлик». Телевизион хужжатли фильм. Перми бадий галереяси-

да XVII—XVIII асрлардаги зардўзлик коллекциялари ҳақида. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

★
14.00—16.15
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

★
18.15 Муаллифлик телевидениеси. 1-қисм. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 «Кўчманчи қушлар». Хужжатли фильм. 19.45 Муаллифлик телевидениеси. 2-қисм. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

★
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ
КЎРСАТАДИ

21.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.

★
22.40 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Ю. Ледин фильмлари. «Қизил томоқ», «Шимол денгиз мушуги».

ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ИЗЗАТ ТОПАСАН

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг Калинин районида жойлашган санаторий-профилакторийси ҳудудидан сув қазиб чиқарилганига унча кўп бўлгани йўқ. Икки минг метр чуқурликдан чиққан бу сув жуда иссиқ бўлиб (75° C), унинг таркибида бром, йод, бор, кремний кислотаси каби моддалар бор. Сув шифобахш «Трусковец» сувига ўхшаб кетади ва пиелонефрит, гастрит, жигар касалликларини даволашда қўлланади. Шунингдек, у буйракка йиғилган тошларни эритиш хусусиятига эга. Санаторий-профилакторий жамоаси Н. А. Семашко номли Саломатлиқни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш олийгоҳининг сув ҳақидаги хулосасини олгач, даволаш ишларини бошлаб юборишди. Бу ерга келганлар шифобахш сувдан ванна қабул қилиш орқали даволанади. Санаторийдаги «ГАИ» — гидроаионизация хонасида сув димоғ орқали (ҳидлаб) қабул қилинади. Бу йўл билан қон томирлари кенгайтирилади, юрак касалликларини даволанади.

Яқинда Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси райондаги уруш ва меҳнат фахрийларига ўз санаторий-профилакторийсида даволашни учун текинга 25 та йўланма ажратди. Фахрийлар мана у ҳафтадан бери бу ерда даволяптилар. Сув ҳосиятининг илк натижалари намойён бўляпти.

Жамолхон Жалолов, Улуғ Ватан уруши фахрийси, Калинин район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси:

— 48 йилдан бери қичима касали билан оғриб келаман. Турли хил муолажалар, дори-лар ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганди. Шу ерга келиб мана шу сувдан 8 та ванна қабул қилдим, тузалиб кетдим.

Санаторий 100 ўринга мўлжалланган. Хоналари озода, шинам. Даволанувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Бош врач Фахриддин Сайдалиевнинг айтишича, фахрийларнинг барчаси шифо топишган, яқинда уйларига кетишар экан. Фахриддин акадан яна бир янгилик эшитдик. Яқинда дўконларимиз пештахталарига «Занги ота-1» деб номланган янги ичимлик чиқиши мўлжалланаётган экан. Бу ичимлик юкорида айтиб ўтилган шифобахш сувдан тайёрланган.

Убайдулла Абдуллаев, Свердлов қишлоқ Кенгаши қошидаги уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси:


— Санаторийда яратилган шароитлардан жуда хурсандимиз. Лекин у атиги 100 ўринли, жуда кам одамга мўлжалланган. Санаторий 1000 ёки ундан ортиқ кишига мўлжаллаб кенгайтирилса яхши бўларди. Қанчадан-қанча одамлар шифо тополмай юрган касалликларидан фориғ бўлишлари мумкин.

Даволаниш учун келган уруш фахрийлари санаторий, гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларидан,

хусусан бош врач Ф. Сайдалиев ва бирлашма директори Х. Йўлдошевдан жуда миннатдор эканликларини билдирдилар. Фахрийлар яқинда санаторийдан кетишади. Лекин шифо маскани билан хайрлашишлари қийин бўлса керак. Чунки биз суҳбатлашётган пайтда ҳаммалари бу ерга қаттиқ боғланиб қолганларини, кўпгина дўстлар орттирганларини айтдилар.

Уруш, партия, меҳнат фахрийси Зайниддин Исамуҳамедов ҳам ўзининг мамнулигини изҳор этди. Мақоламининг унинг сўзлари билан яқунламоқчимиз. «Бу санаторийга келганлар адашмишмайди. Чунки бу ерда даволаниб кетишга кафолат бор».

Шаҳноза АБДУШОҲИДОВА.



ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

— Баҳор ёҳуд ёз фаслининг бошларида баъзи бир ношуд жисмли кишилар, айниқса, ҳомиладор ёки бўшанган аёллар камқонлик ҳасталигидан шикоят қилиб қоладилар. Улар баъзан билиб-билмай, мураккаб дори-ларга ружу қиладилар, бунинг оқибатида бошқа касалликлар орттириб оладилар. Қисқаси, бир дарди иккита бўлади. Ваҳоланки, юкорида айтилган пайтларда камқонликда катта ёрдам берадиган табиий мевалар ва набототлар етилган бўлади...

— Жуда тўғри айтасиз,— деди доришунос мутахассис, жумҳурият доришунослик Бош бошқармаси масъул ходимларидан бири Мирсобиб Ёқубов,— анемия яъни камқонликда яхши наф келтирадиган меваларимиз ва сабзавотларимиз бор.

— Масалан...
— Масалан, тутни олиб кўрайлик.



— ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА тутнинг бир неча турлари учрайди. Балх тут, оқ тут, марварид тут сингари турлари таркибида анчагина қанд, органик кислоталар, оксил, пектин, баргларида флавоноид, гликозид, эфир мойлари, турли ошловчи ва бошқа моддалар мавжуддир. Шу боис тут меваси, барги, пўстлоғи шифобахш ҳисобланади.

— Уни қандай қилиб истеъмол этса маъбул бўлади?

— Қийин ери йўқ. Фақат, энг аввало шуни айтиш кераки, тутнинг ҳамма хилини ҳам таомдан илгари ейиш маъқулдир. Шунда меъда мулоим қабул қилади.

— Боя шифобахш дедингиз...

— Ҳа, жуда тўғри. Қадим-қадимлардан буён Шарқ халқлари табобатида тут шифобахш неъмат сифатида ўта қадрланиб келади. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, қадим юнон олимларидан Гиппократлар ҳам бу мевага саҳийлик билан тавсиф берганлар.

Жумладан, Ибн Сино тут меваси ва унинг шираси билан оғиз ва томоқ яллиғлалиши, оғиз бўшлиғидаги тошмаларни, ичбуруғ сингари касалликларни даволаганлиги маълум. Балх тут баргининг шираси тиш оғригини тўхтади.

Тутнинг энг муҳим хислатларидан бири — у қонни кўпайтиради. Кишини дарров дармонга киритади. «Бир кафт тут бир уколнинг ўрнини босади»,— деган халқ иборасида жон бор, албатта.

— Нера у камқонликка даво деб ўйлайсиз?

— Чунки, тут меваси темир моддасига бой. Ундан ташқари яна бир қизиқ гап бор. Тут, ток ва қора анжир барглари аралашмасини ёмғир сувида қайнатиб бош ювилса, сочини қорайтиради.

— Камқонликда яна нимани тавсия этиш мумкин?

— САБЗИНИ... Сабзининг илдиз мевасида, ҳали айтганимиздек, қанд, крахмал, пектин моддалари, минерал тузлар, фосфотитлар, эфир мойлари, ёғ, умбеллифйрон сингари унсурлар, C, B₁, B₂, PP каби витаминлар кўп. Шу боис сабзини камқонли кишилар билиб истеъмол қилсалар, жуда яхши фойда кўрадилар.

— Яна қандай хислатлари бор?

— Ҳислатлари беҳисоб. Сабзи шарбати пешобни яхши ҳайдайди. Қовуқдаги тош ҳамда қумларни нуратади. Сурункали йўтални қолдиради. Тери куйганда дарҳол сабзи турупини қўйиш керак. Сабзи уруғининг димламаси гижжани ҳайдайди... Аёллар сабзини тез-тез истеъмол этиб туришлари керак.



— Нера?

— Сабзи шираси юз нурини тиниқлаштиради. Чехрадаги доғларни ва тошмаларни кетказади. Қисқаси, чиройга чирой қўшади.

— Бу сабзавот ҳақида яна баъзи бир гаплар бор.

— Айтинг-чи?..


— Киши сабзини сархил ёҳуд шакар билан истеъмол қилса, сингитоллиги ошади. Бу сабзавотни уч маҳал — эрталаб, тушда, кечқурун ейиш яхши маромга киради.

— Балли! Топиб айтдингиз. Энг сўнгги гап шуки, сабзининг сариқ миззоий, қизил миззоий, мушак, шантене каби барча хиллари бемалол истеъмол этилаверади. Сабзи кирган уйга касаллик кирмайди, деб баралла айтса бўлади...

Суҳбатдош Р. УМАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

СУРАТЛАРДА: Шоҳида Акбарова беморлар тишини даволайди; имтиёзли йўлланма билан келган бир гуруҳ фахрийлар; «ГАИ» хонасида. Сураткаш В. ТўРАЕВ.



13 ИЮНДАН — 20 ИЮНГАЧА
Тошкентдаги «САЛОМАТЛИК» Марказига қарашли
«ИБН-СИНО» НОМИДАГИ
ХАЛҚ ТАВОБАТИ АЪЗОСИ
БАШОРАТЧИ ТАБИБ
ДИЛБАР СОБИРОВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА руҳлар ва илоҳий кучлар таъсирида зикр-сано усули билан

Даволаш сеансларини ўткази

даволаш мобайнида қуйидаги беморлар шифо топадилар: бош оғриғи, бел оғриғи, юрак сиқили, буйрак-жигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери касалликлари, нафас сиқилиш, болалар қовуқ-бўшлиғи, улардан ташқари қайтариқ йўли билан бахт йўли боғланганлар, ҳаётда омади юришмаганлар, ҳамда бўлиб ўтган ёки бўладиган ҳаётий масалалар бўйича башорат қилади.

Чипталар Тошкент Давлат цирки кассаларида сотилмоқда.

Даволаш сеанслари соат 19.00 бошланади.